

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Самарканд вилояти сув омборларидан
фойдаланиш бошкармаси бошлиғи**



А.Суюнов

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини
аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини
ишлаб чиқиш**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ БҮЮРТМАЧИ

Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати
1	Буюртмачи	Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси
2	Пудратчи ташкилот	Танлов асосида
3	Таъмир тури	Лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш
4	Объект жойлашган манзил	Самарқанд вилояти Ургут тумани
5	Маблағ манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан
6	Алоқа учун шахс	И.Турсунов +99890 464-90-96
7	Маблағ тури	Ўзбек сўм
8	Танлов эълон қилинадиган жой	Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси https://etender.uzex.uz
8	Танловга таклифлар бериладиган тил	Ўзбекча
9	Қурилиш ишлари қиймати	40 000 000 сўм
10	Эълон беришдан мақсад	Пудратчи ташкилотни аниқлаш
11	Иш бошланиши ва тугалланиши	25.10.2022 й -15.11.2022 й
12	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган иш ва хизматларни ўз вақтида сифатли бажариб бериш
13	Объектни молиялаштириш	Тўловлар олдин 30% жорий таъмир ишлари тугаллангандан сўнг 70% тўлаб берилади
14	Тақдим этиладиган ҳужжатлар	Танлов иштирокчисининг ташкилий шакли тўғрисида маълумот, танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот, (Гувоҳнома ва лицензия) танлов иштирокчисининг ўхшаш объектларида бажарган ишлари бўйича иш тажрибаси тўғрисидаги маълумот, баланс ва молиявий натижалар охириги 3 йиллик

		<p>кўрсаткичлари (баланс ва молиявий натижа), солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжудлиги, моддий техник базаси тўғрисида, бажариш муддати, нарх буюртмаси, ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақида ахборот, танловда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб, иштирокчиларга танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана, техник топшириқ, қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби, танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.</p>
15		Бажарувчи томонидан ҳисоб фактура

Илмий тадқиқот ишининг мавзуси: Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва охириги русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда сув омборидаги мавжуд сув ресурсларидан самарали ва тежамкор долзарб масалалардан бири саналади. Ҳамда сув омбори захирасидаги сувдан самарали фойдаланиб, истеъмолчини кафолатли сув билан таъминлаш, сув ҳавзасида лойқа-чўкиндиларни чўкишини олдини олиш, лойқа ҳажмини камайтириш каби кечиктириб бўлмас вазифалар бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда сув омборларининг сув сифимларини тезкор аниқлаш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув омборларини самарали иш режимини йўлга қўйиш каби илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тизимидаги сув омборнинг энг муаммолиси танлаб олинди. Ушбу сув омбори ҳавзасида йиғилган лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш учун замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва GPS қурилмали охириги русумдаги эхолот ёрдамида тадқиқотлар ўтказилиши ҳамда сув омбори ҳавзасидаги лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш ва сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш белгиланди.

Ишнинг мақсади: Самарқанд вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тассаруфидаги Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва охириги русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари:

- Мўминобод сув омбори ҳавзасида йиғилган лойқа-чўкиндилар миқдори аниқлаш учун замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва GPS қурилмали охириги русумдаги эхолот ёрдамида тадқиқотлар ўтказиш.

- Мўминобод сув омборининг ҳавзасидаги лойқа-чўкиндилар ҳозирги миқдорини ҳисоблаш.

- Мўминобод сув омборининг ҳозирги кундаги сув сифимини аниқлаштириш.

- Мўминобод сув омборининг сув омборини тўлдириш ва бўшатиш графигини хар бир сув омбор учун алоҳида ишлаб чиқиш.

- Ўлчов натижаларига асосланган ҳолда Мўминобод сув омбори учун алоҳида сув сатҳини сув ҳажмига боғлиқлик графигини тузиш.

- Мўминобод сув омбори ҳавзасидаги лойқа-чўкиндилар миқдорини ҳисобга олган ҳолда хар бир сув омбор учун алоҳида ҳавзадаги лойқани тозалаш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.